




1-расм. Уч йиллик pista кўчатининг кўриниши

Адабиётлар рўйхати:

1. Аблаев С.М. Культура фистанки в Средней Азии. – Ташкент: Фан, 1992. – С. 51-57.
2. Кайимов А., Михайлова Л., Холмуротов М. Возможности рационального использования генофонда фисташников в зоне Каттакурганского водохранилища // AGRO И.М. – Ташкент, 2011. №3 (19). – С. 51-52.

ДОРИВОР ТИРНОҚГУЛ (*CALENDULA OFFICINALIS* L.) ХОМ-АШЁЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Аҳмедов Э., Артуқметов З., Тошева Д., Дустиёров М.

Тошкент давлат аграр университети

Доривор тирноқгул – *Calendula Officinalis* L. Астрошошлар – *Asteraceae* (мураккабгулдошлар – *Compositae*) оиласига мансуб, бўйи 30–50 (баъзан 60) см. га етадиган бир йиллик ва баъзан икки йиллик ўт ўсимлик. Илдизи шохланган ўқилдиз. Пояси каттик, тик ўсувчи, асос қисмидан бошлаб шохланган, қиррали бўлиб, юқори қисми безли туклар билан қопланган. Барги оддий, бандли, чўзик-тескари тухумсимон, сертук, пояда кетма-кет жойлашган. Поянинг юқори қисмидаги барглари бандсиз, тухумсимон ёки қанцетсимон, гуллари саватчага тўпланган. Меваси – писта. Июнь ойидан бошлаб, кеч кузгача гуллайди, меваси июлдан бошлаб етилади.

Хом-ашё сифатида асосан унинг гул саватчалари ишлатилади. Ҳосилдорлиги сектаридан 6-8 центнерни ташкил этади. Хом-ашё қурук омборларда 2 йилгача сақланади.

Халқ табobati ва тиббиёт соҳасида доривор тирноқгул жуда кенг қўлланилади, унинг препаратлари асосан антисептик ва шамоллашга қарши восита сифатида ишлатилади. Препарат сафро ҳайдовчи, қон босимини туширувчи, тинчлантирувчи ва тизқуни яхшиловчи восита сифатида таъсир қилади [1]. Бундан ташқари, ўсимлик гули қонилувчи, сийдик ҳайдовчи, шамоллашга қарши, тер ҳайдовчи, инфекцияга қарши ва қон тозаловчи восита сифатида ҳам фойдаланилади [1,2].

Тирноқгулдан дамлама сифатида ҳам фойдаланилиб, дамлама ва кайнатмалари ошқозон-ичак йўллари, буйрак, сийдик пуфаги, талок касалликларида ва бошқа хасталикларни даволашда восита сифатида ишлатилади.

Тирноқгул гуллари 3 % каротиноид, флавоноид, сапонин, эфир мойи, аччик ва ошловчи моддаларни, органик кислоталар, ферментлар, витамин С, алкалоид ва бошқа моддаларни сақлайди. Аммо бу ўсимликдан ҳомиладорлик вақтида фойдаланиш тавсия этилмайди [1,2].

Доривор тирноқгул ўсимлигини Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида етиштириш мумкин.

Маҳсулотнинг доривор препаратлари турли яралар, куйганни даволашда, стоматит, ангина ва бошқа томоқ оғриғи касалликларида оғиз ҳамда томоқни чайқаш учун ишлатилади ва шу билан бирга гастрит, меъда ва ун икки бармоқ ичакнинг яра касалликлари ҳамда жигар касалликларини даволашда қўлланилади. Калефлон препарати меъда ва ун икки бармоқ ичак яра касаллигида яра битишини тезлатувчи ва яллиғланишни қарши восита сифатида ҳамда гастритни даволашда ишлатилади. Шунингдек, ўсимлик маҳсулотдан олинадиган баъзи кимёвий моддалар рак касалликларида ишлатиладиган препаратлар таркибига ҳам киради [3].

Тирноқгул ўсимлигини барча мавсумда экиб қўпайтирса бўлади, аммо кеч куз ва эрта баҳор ойларида экилиши юқори самара беради. Тирноқгул уруғлари кеч кузда октябр, ноябрда 2–3 см чуқурликка экилади. Гектар ҳисобига 10–12 кг. дан уруғ сарфланиб улар қатор ораларни 60 см.ли эгатларга экиш учун мослашган эчкичлар ёрдамида экилади. Ёз мусони йил апрелда ўсимликдан майса ҳосил бўлади. Ҳар ўсимликдан 3–4 тадан бари шунингдан оғат олинади. Айрим ҳолларда куз фаслида униб чиққан кўчатлар, кишининг соғлиғидан зарарланади. Қишдан чиққан кўчатлар 35–40 кунда, апрел охири май бошлари вақтидаги.

Тирноқгул ўсимлигини уруғи бўз тупроқлар шароитида экилганда, қатқалоқ ҳосил бўлиши мумкин. Қатқалоқ ҳосил булмаслиги учун 1/3 нисбатда чириган гўн аралаштирилади. Бундай тадбирларни ЗМВН-2,8 айланма мотиға, енгил мола, тишангайтак машини ёридан фойдаланган ҳолда олиб бориш мумкин. Айланма мотиға ва енгил моладан уруғ бўриганда, лекин кўкариб чикмаган даврда фойдаланиш мумкин. Зеро қатқалоқ кўчириладиганда тирноқгулнинг ҳали кучсиз ниҳоллари зарарланади. Новдалар пайдо бўлганда қатқалоқ игнали ғалтак ёрдамида кўчирилади, чунки унда ниҳоллар зарарланмайди.

Биринчи ўғок билан бир вақтда доривор тирноқгул ягона ҳам килиниб, туп ораларни 15–20 см масофада ҳар бир уяда 1–2 тадан ўсимлик қолдирилади. Қатордаги бегона ўтлар мотиға ёки кетмонда ағдариб йўқотилади, қатор ораларидаги ўтларни йўқотишда ёки культиваторлардан фойдаланилади.

Мавсум давомида тирноқгул тупроқ шароитига кўра 13 мартагача суғорилади (майда 1 марта, июнь, июль, ва август ойларида 2–3 мартадан ва сентябрга 2 марта). Доривор тирноқгулнинг шох-шаббаси бир-бири билан тутшиб кетгунига қадар ҳар 10 суғоришдан кейин, қатор оралари ва қаторлардаги бегона ўтлар йўқотилади.

Ўсимликнинг яхши ўсиб ривожланиши ва шох-шаббаларининг баланд бўлиши тўпгулларида юқори ҳосил етиштириш учун гектарига 50 кг ҳисобидан икки марта азотли ўғит берилади: биринчи ўғитлаш майса ҳосил бўлганидан 15–20 кун кейин, иккинчиси гуллаш фазасининг бошланишида ўтказилади.

Хўжаликларда махсус уруғчилик экинзорлари ва уруғчилик базаси барпо этилганлиги учун текис, сув таъминоти яхши ва унумдор туپроқлар танланади. Бундай майдонларда тирнокгул агротехникаси саноат учун хом-ашё етиштириладиган экинзорлардагига ўхшаш, лекин ундагидан фарқли ўлароқ ўсимликлар орасидаги масофа 20–25 см бўлишини таъминлаш тавсия этилади.

Бир туپ ўсимликдан 20 гр (баъзан кўпрок), 1 гектар экинзордан 6000–8000 гр уруғ олинади. Гул саватчалари тўлик пишиб етилганида уруғ йиғишга киришилади. Гул саватчалари ўсимликда узок вақт туради. Одатда, киров тушганда, сахарлаб уруғ саватчалари қўлда ёки новдаларнинг уруғли юқори қисми ўроқда ўрилади. Қирқилган новдалар қоп, кути ёки кенг саватларга жойланади ёки боғ-боғ қилиб боғларни хирмонга ёйилади. Бу ерда юпқа қилиб ёйиб қуригилади, кейин янчилади. Уруғлар бегона ўт уруғларидан тозаланади, элакдан ўтказилиб, қалин қопга солиб, қуруқ жойда сақланади. Тирнокгул уруғини 4–5 йилгача сақлаш мумкин.

Тирнокгулнинг гуллаш даври май охиридан ноябр ойигача давом этади. Ёз ва куз давомида унинг тўпгуллари ҳар 2–3 кунда йиғиб олинади. Қўлда йиғилганида гул саватчалари гул банди асосидан тўпгулда 1–2 см банд қолдириб синдириб олинади.

Ўсимликнинг ер устки қисми ўриб олиниб, ёйиб қуригилади ва чорвадағал озуқа сифатида ишлатилиши мумкин.

Даладан ўсимликнинг ер устки қисми йиғиштирилиб олингач, эгатларга гектар ҳисобида 80 кг дан фосфорли ўғитлар солиниб, чуқур ҳайдалади. Экин майдони қайта ҳайдалмайди, эгатларга тукилган уруғдан чиққан кўчатлар кейинги йилга сақланиб қолади.

Тирнокгулни ҳосилини йиғиш ва қуритиш. Тирнокгулнинг ҳосилини гуллаб бошлагандан теришга киришилади. Янги очилган гуллари биринчи навбатда қўлда терилади. Гул саватчалари тез-тез очилиши муносабати билан ҳар 3 кунда, кечи билан 4-кунда териб турилади. Ўсимликдан териб олинган тўпгуллар қизиқ кетмаслиги ва унинг сифати бузилмаслиги учун саватчаларда ва тўпламларда 3 соатдан ортиқ сақланмаслик керак. Терилган маҳсулот махсус қуригич асбобларда (СПК), ҳаво (ВГГ-400, 600) қуригичларда 40–50°С гача қуригилади. 4 кун давомида қуритилган маҳсулот босилмасдан махсус қоғоздан ясалган қопчаларда 20 кг дан қилиб жойлантириб сақланади. Маҳсулотни қуруқ оғборларда сақлаш муддати 2 йилдан ошмаслиги керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аҳмедов Ў. ва б. оривор ўсимликлар тишгирини технологияси ва экология. Т.; 2009.
2. Холматов Х.Х., Ҳабибов З.Х., Олимхўжаева Н.З. Ўзбекистон шифобахш ўсимликлари. Т.; Ибн Сино нашриёт матбаа бирлашмаси, 1991.
3. Холматов Х.Х., Қосимов А.И. Оривор ўсимликлар. Т.; Ибн Сино нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1994.